

**ITALY**

**ONLINE  
CONFERENCE**



**"FORMATION OF PSYCHOLOGY  
AND PEDAGOGY AS  
INTERDISCIPLINARY SCIENCES"**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ONLINE**

**CONFERENCE**

**WWW.INTERONCONF.ORG**

**ISBN 978-955-3605-86-4**

© Sp. z o. o. "CAN", 2021

© Authors, 2021

**FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS  
INTERDISCIPLINARY SCIENCES: a collection scientific works of the International  
scientific conference ( 11 October, 2021). ISSUE 1 – 162 p.**

**Chief editor: Candra zonyfar- PhD Universitas Buana Perjuangan Karawang,  
Indonesia Sunmoon University, South Korea.**

**Editorial board:**

Tone Roald, PhD Associate Professor of Psychology University of Copenhagen

Elin Eriksen Ødegaard, Professor, Western Norway University of Applied Sciences

Mariane Hedegaard, Professor Emerita, Copenhagen University, Denmark

Magnus Englander, PhD Associate Professor of Psychology Malmo University, Sweden

Paul Sullivan, PhD University of Bradford Bradford, United Kingdom

Mathias TraczykSøren, PhD

Thiesen Amanda, PhD

Nybroe Rohde, PhD

**Languages of publication: Italy, dansk, English, русский, беларуская, limba  
română, uzbek,**

**The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and  
students who participated International Scientific Conference " FORMATION OF  
PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES ".**

**Gli atti della conferenza sono raccomandati per scienziati e insegnanti negli istituti  
di istruzione superiore. Possono essere utilizzati nell'istruzione, compreso il processo di  
insegnamento post-laurea, la preparazione per l'ottenimento di diplomi di laurea e  
master. La revisione di tutti gli articoli è stata effettuata da esperti, i materiali sono  
protetti dal diritto d'autore degli autori. Gli autori sono responsabili dei contenuti, dei  
risultati delle ricerche e degli errori.**



<b>TABLE OF CONTENTS</b>	
<b>Сарвиноз Исламова</b> <i>“ТЕМУРБЕКЛАР” – МИЛЛАТ ТАЯНЧИ!</i>	<b>5</b>
<b>Boboiev X.X, Sherbo'tayev J.A, Abdurafiqov B.A, Hakimova M.N</b> <i>ABSORBSION SOVUTISH MASHINASINING SOVUTISH ISSIQLIK HISOBI</i>	<b>9</b>
<b>Bo'riyev Abror</b> <i>G'O'ZA QATOR ORASIGA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA ISHLOV BERISHNI ILMIY ASOSLASH</i>	<b>13</b>
<b>Rahmonova Mohigul</b> <i>FIQH ILMINING RIVOJLANISH TENDENSIYASI, HOZIRGI KUNDAGI O'RNI VA AHAMIYATI</i>	<b>15</b>
<b>To'yuchiyeva Ra'no Almamatovna</b> <i>HINDISTONNING SHANXAY HAMKORLIK TASHKILOTIDA ISHTIROKI: MAVJUD ALOQALAR VA ISTIQBOLLAR</i>	<b>18</b>
<b>Mirzayeva Irodaxon Hamdamovna</b> <i>ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF USING AUTHENTIC MATERIALS</i>	<b>24</b>
<b>M.Sagdiev, Sh.Shoyimov, M.Musaeva, M.Mukimov</b> <i>STRUCTURES AND PROPERTIES OF KNITTING FABRICS</i>	<b>28</b>
<b>Orinbayev Talasbay Niyetbayevich</b> <i>NOORGANIK MODDALARNI ISHLAB CHIQRARISH TEXNOLOGIYASI</i>	<b>31</b>
<b>Ravshanova Umida Kamolovna</b> <i>QISHLOQ ZIYOLILARI</i>	<b>33</b>
<b>Убайдуллаев Э.А</b> <i>ОСОБЕННОСТИ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ОПУХОЛЕЙ ОБЛАСТИ III ЖЕЛУДОЧКА ГОЛОВНОГО МОЗГА</i>	<b>36</b>
<b>Usmonova Nozima Tilloxonovna</b> <i>THE ROLE OF THE SILENT WAY IN TEACHING LANGUAGE</i>	<b>51</b>
<b>Akmal Ulug'murotov</b> <i>DUNYONI TEVRATGAN BUYUKLAR</i>	<b>56</b>
<b>Зафар Фахриддинов</b> <i>“ВУЖУҲ ВА НАЗОИР” СОҲАСИДА ИЖОД ҚИЛГАН ОЛИМЛАР ВА СОҲАГА ОИД АСАРЛАР</i>	<b>59</b>
<b>Ибрагимова Д.И</b> <i>АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ “ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО” АСАРИДА ПАЙҒАМБАРЛАР ГЕНЕЗИСИ ТАҲЛИЛИ</i>	<b>63</b>
<b>Артиков Улуғбек Латифжон ўғли</b> <i>АХСИКАТНИНГ ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ БЎЗ РАНГЛИ СОПОЛ ИДИШЛАРИ</i>	<b>65</b>
<b>Vaujanov Tirkeshbay Jumadurdievich</b> <i>INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES FOR TEACHING THE TURKMEN LANGUAGE AND LITERATURE IN TURKMEN-LANGUAGE SCHOOLS IN KARAKALPAKSTAN</i>	<b>70</b>
<b>С.Б.Хамраева., А.Д. Даминов., Д.Н. Кадирова</b> <i>ФОРМИРОВАНИЕ РАСТЯЖИМЫХ ТКАНЕЙ</i>	<b>72</b>
<b>Turakhanov Akrom Abdullahakimovich</b> <i>INTERNAL AND EXTERNAL BALLISTS IN SHOOTING</i>	<b>76</b>
<b>Собиров Феруз Халил ўғли</b> <i>НЕГАТОР ДАЪВО МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА</i>	<b>86</b>
<b>Нозима Одилжоновна Азамкулова</b> <i>ОКСИДАНТНОЙ СТАТУС У ПАЦИЕНТОК РАЗЛИЧНЫМИ ФОРМАМИ ГИПЕРАНДРОГЕНИИ</i>	<b>92</b>
<b>Давлатбоев Темур Обод угли</b>	<b>94</b>

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ТАРИХИ АНБИЁ ВА ХУКАМО” АСАРИДА ПАЙҒАМБАРЛАР ГЕНЕЗИСИ ТАҲЛИЛИ

**Долзарблиги (Relevance).** Чигатой адабиётининг энг йирик вакили Алишер Навоий ёзиб қолдирган 30 га яқин асар мазмунан ранг-баранглиги билан доимо тадқиқотчилар назарида. Шоир адабиётшунослик, тилшунослик, тасаввуф ва тарихнавислик соҳасида ҳам махсус асарлар битиб, XV аср туркий халқлар илм фани ривожига улкан ҳисса қўшди. Алишер Навоий лирикаси ва адабиётшуносликка дахлдор асарлари қаторида тарихий мавзудаги битикларини тадқиқ этиш адабий манбашунослик учун қимматли маълумотлар тақдим этади. Хусусан, Алишер Навоийнинг тарих илмига оид илк асари “Тарихи анбиё ва ҳукамо” оламнинг яратилиши, пайғамбарларнинг тарихи ҳамда айрим ҳаким зотларнинг сифатлари тўғрисида ҳикоя қилади. Асар сюжетининг асосини ташкил этувчи пайғамбарлар генезиси орқали Навоий яшаган давр тафаккури, дунёни англаш мезонлари тўғрисида муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Туркий адабиётда “анбиёлар тарихи” туркумига оид иккинчи йирик асар бўлмиш “Тарихи анбиё ва ҳукамо”дан ўрин олган пайғамбарларни ягона тизимга бирлаштириш, набийлар генезисини шакллантиришга оид тадқиқот кам учрайди.

**Тадқиқотимиз мақсади (The purpose of our study)** “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асаридаги пайғамбарлар генезисини тадқиқ этиш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари (Research materials and methods).** Ишда Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридаги фойдаланилди.

Тадқиқотда илмий назарий таҳлил, тарихий қиёслаш, матн талқини, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси (The results obtained and their discussion).** Алишер Навоийнинг тарих илмига бағишланган икки асари маълум. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулки аҷам” номлари билан машҳур бу икки асарни шоир ўзи “Зубдатут таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) деб номлайди. Манбаларга кўра, Алишер Навоийнинг тарихий мавзудаги асарлари туркум сифатида яқунга етмаган. XV аср тарихшунослиги аънаналарига кўра, тарихнавислик қуйидаги тўрт унсурни ўзида жамлаши шарт ҳисобланган:

- пайғамбарлар тарихи;
- тўрт аҷам сулолалари тарихи;
- ислом даври тарихи;
- замон ҳукмдор тарихи.



Шу асосга кўра, адабиётшунос А.Қаюмов мазкур икки асарни умумий тарих китобининг бўлаклари деб атайди [Бу ҳақда қаранг: Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011]. Яъни, Алишер Навоий тарихий мавзуни давом эттириб, Муҳаммад алайҳиссалом ҳамда ҳукмдор дўсти Ҳусайн Бойқарога бағишлаб асар ёзишни ният қилган.

Алишер Навоийнинг 1485-1488 йилларда ёзилган “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари шу давр маҳсули сифатида ислом манбалари, хусусан, Қуръони каримга асосланади. Асарни мавзу жиҳатидан икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмда Навоий Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган пайғамбарлар қиссаларини келтиради. “Қисасул анбиё” анъаналарига таяниб ёзилган асар туркийдаги бошқа пайғамбарлар қиссаларидан нисбатан тўлиқлиги билан ажралиб туради. Ўрганишларимизга кўра, Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида 29 нафар, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да эса 50 нафар пайғамбар номлари ва тарихларини баён қилинади.

Рабғузий асарида 84 фоиз қуръоний пайғамбарлар жамланган бўлса, Алишер Навоийнинг Муҳаммад алайҳиссаломдан ташқари барча қуръоний пайғамбарлар тарихи қаламга олади. Сўнгги ҳақ пайғамбари асарга киритилмаганига сабаб, Навоий бу ҳақда алоҳида асар ёзишни ният қилган.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида Қуръони каримда номи келмаган яна 25 нафар илоҳий шахслар бўлиб, Навоий уларни ҳам пайғамбарлар сирасига киритади. Булар: *Ёфас бинни Нух, Сом бинни Нух, Ҳом бинни Нух, Ювшаъ бинни Нун, Колут бинни Юфно, Ҳизқил (Абулаъжуз), Жиржис, Лукмони ҳаким, Юнус бинни Мато, Омус Мусо, Маъ, Фанжар Мусо, Момал-қавси, Жавфар, Санъо Куси, Урё, Фавойил, Ҳикой, Зижурмо, Мадоҳи, Шуъё пайғамбар, Узайр ва Жиржис.*

Алишер Навоий пайғамбарларни икки гуруҳга ажратади: мурсалин ва набийлар. *Набий* - фақат ваҳий олган пайғамбарлар бўлиб, уларга китоб нозил қилинмаган. *Мурсалин* – Аллоҳ китоб ва саҳифа нозил қилган пайғамбарлар. Асарда Шис, Нух, Ёфас, Сом, Ҳом, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб каби 14 мурсалин пайғамбарлар номи келтирилади. Алишер Навоий Хизр алайҳиссаломни ҳам мурсалинлар қаторига киритган. Шунингдек, асарда Лукмони ҳаким, Зулқарнайн каби Аллоҳдан ваҳий олгани ихтилофли бўлган тарихий зотлар ҳам пайғамбарлар қаторида берилди.